



**TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI
JANUBIY OROLBO'YI TIBBIYOT JURNALI**

1-TOM, 4-SON. 2025

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

УДК: 617.585.1



**ОШИҚ-БОЛДИР БЎҒИМИ БОЙЛАМЛАРИНИНГ ЖАРОҲАТЛАРИДА
УЛЬТРАТОВУШ ТЕКШИРИШ НАТИЖАЛАРИ**

Гафуров Фарух Абуалиевич

<https://orcid.org/0009-0003-5534-4388>

email: gulnoza_ganisher@mail.ru

**Самарқанд давлат тиббиёт университети травматология ва ортопедия кафедраси
доценти, PhD, Самарқанд, Ўзбекистон**

Аннотация. Ошиқ-болдир бўғими жароҳатлари, таянч-ҳаракат тизими жароҳатларининг кўп учрайдиган турларидан бўлиб, манбаларда келтирилишича барча таянч-ҳаракат тизими жароҳатларининг 6-21% ни, оёқ жароҳатларининг эса 40-60% ни ташкил этади. Мақолада 64 нафар беморларда ошиқ-болдир бўғими бойламларининг жароҳатларида ультратовуш текширув натижалари ва таҳлили келтирилган.

Калит сўзлар: Ошиқ-болдир бўғими, бойламлар, ультратовуш текшируви.

**РЕЗУЛЬТАТЫ УЛЬТРАЗВУКОВОГО ИССЛЕДОВАНИЯ ПРИ ПОВРЕЖДЕНИЯХ
СВЯЗОК ГОЛЕНОСТОПНОГО СУСТАВА**

Гафуров Фарух Абуалиевич

<https://orcid.org/0009-0003-5534-4388>

email: gulnoza_ganisher@mail.ru

**PhD, доцент кафедры травматологии и ортопедии Самаркандского государственного
медицинского университета, Самарканд, Узбекистан**

Аннотация. Травмы голеностопного сустава являются одним из наиболее распространенных видов травм опорно-двигательного аппарата, по данным источников, составляют 6-21% всех травм опорно-двигательного аппарата и 40-60% травм нижних конечностей. В статье представлены результаты и анализ ультразвукового исследования травм связок голеностопного сустава у 64 больных.

Ключевые слова: голеностопный сустав, связки, ультразвуковое исследование.

**RESULTS OF ULTRASONIC EXAMINATION IN DAMAGE TO THE LIGANS OF THE
ANKLE JOINT**

Gafurov Farukh Abualievich

<https://orcid.org/0009-0003-5534-4388>

email: gulnoza_ganisher@mail.ru

**PhD, associate professor of the Department of Traumatology and Orthopedics, Samarkand
State Medical University, Samarkand, Uzbekistan**

Abstract. Injuries of the ankle joint are among the most common injuries of the musculoskeletal system, according to the literature, it accounts for 6-21% of the total number of



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI
JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI
1-TOM, 4-SON. 2025
14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

injuries of the musculoskeletal system and 40-60% of the number of injuries of the lower limb. The article describes the results and conclusions of an ultrasound examination of 64 patients with ankle ligament injuries.

Keywords: Ankle joint, ligaments, ultrasound.

Кириш. Ошиқ-болдир бўғими жароҳатлари, таянч-ҳаракат тизими жароҳатларининг кўп учрайдиган турларидан бўлиб, манбаларда келтирилишича барча таянчҳаракат тизими жароҳатларининг 6-21% ни, оёқ жароҳатларининг эса 40-60% ни ташкил этади [1,2,4]. Беморларнинг травматологларга мурожаат қилишларининг асосий сабаблари ошиқ-болдир бўғими пай-бойлам аппарати жароҳати ҳисобланади. Ушбу жароҳатларни турли хил ташхислаш ва даволаш усулларининг кўплиги, муаммонанинг охиригача ҳал бўлмаганлиги ва долзарблигини билдиради. Юмшоқ туқималар, тоғайларни текширишнинг объектив усули бу – магнит-резонанс томографиядир (МРТ). Бироқ МРТ текширувининг кенг тарқалмаганлиги ва қимматлиги, унинг кенг қулланилишига тускинлик қилади. Ҳозирги кунда ультратовуш текшируви (УТТ) суяк-мушак тизимини текширишда ривожланаётган йўналишлардан бўлмоқда. Ушбу усулнинг оддийлиги, кенг тарқалганлиги, унинг бўғим ва юмшоқ туқималарни инструментал диагностикасида юқори ўринларга кутарди. Қолаверса иктисодий томондан арзонлиги, КТ ва МРТ дан устун қилиб қўйди [3-8].

Тадқиқот мақсади. Ошиқ-болдир бўғими жароҳатларида ультратовуш текширувини қўллаш ва натажаларининг таҳлиллаш.

Материал ва усуллар. Ультратовуш текшируви ошиқ-болдир бўғими жароҳатланган 64 нафар беморларда утказилган. Ўнг ошиқболдир бўғими жароҳати 33 (51,6%) та беморда, чап томонлама 30 (46,9%) та ва иккала ошиқболдир бўғими жароҳати 1 (1,5%) та беморда кузатилган. Ошиқ-болдир бўғими янги жароҳатлари 49 (76,6%) та беморда, 12 (18,8%) та бемор шифохонага 2-3 ҳафтадан сўнг мурожаат қилган ва ошиқ-болдир бўғимининг эскирган жароҳати 3 (4,6%) та беморда кузатилган. Барча беморларда УТТ ЕСUBE 7 аппаратининг 7,5 МГц чизикли датчикларидан фойдаланилган. Ультратовуш текширувида ошиқ-болдир бўғими олдинги ва ён структураларини текшириш учун беморга утирган ҳолат, бўғимнинг орқа структураларини текшириш учун эса бемор товонига босган ҳолатида ёки ётган ҳолатида амалга оширилган. Олдинги йўналишда текширишда, бўғим капсуласи, гиалин тоғайи, ёзувчи мушаклар пайи ва синовиал суюқлик қуринади, латераль йўналишда кичик болдир мушаклари пайлари, товон-кичик болдир бойлами, орқа talo-fibularis бойлами қуринади, медиаль йўналишда букувчи мушаклар пайи, дельтасимон бойлам ва орқа йўналишда эса ахилл пайи, ахил пайи ҳалтаси ва болдир мушаги қуринади. Болдирлараро синдесмоз, олдинги ва орқа болдирлараро бойламлар жароҳатини аниқлаш мақсадида олдинги ва орқа қия (горизонталь текисликка 300 бурчак остида) йўналиш қўлланилди.

Натижалар ва муҳокама. Ошиқ-болдир бўғими жароҳатланиш механизмларидан аддукцион-инверсион механизм (58%), абдукцион-эверсион механизм (24%) ни, бевосита таъсир механизми олдинги (11%) ва орқа (7%) ни ташкил этди. Ошиқ-болдир бўғими бойламаларининг жароҳатланишлари оғирлик даражаларини аниқлаш учун Kannus-Renstrom (1991) таснифидан фойдаланилган. Бунга кўра ўрта даража тафовут этилади: I даража – бойламанинг чузилиши; II – даража қисман узилиши; III даража – тўлиқ узилиши. УТТ да бойламнинг тўлиқ узилишига хос бўлган белгилар: бойлам толаларининг қисман ёки тўлиқ узилиши, толаларнинг тўлқинсимон қурилиши, ингичкалашиши ва контурларининг аниқ бўлмаслиги. Толаларнинг узилиши бўйламасига ёки кўндалангига бўлиши мумкин. Шиш ва қон қўйилиши оқибатида бойламаларнинг эхогенлиги пасайиши кузатилади. Юқорида келтирилган тасниф бўйича I ва II тип жароҳатланишда бойламанинг қисман бўйламасига ёки кўндалангига йиртилиши, III тип жароҳатланишда бойламанинг тўлиқ узилиши дея ташхисланди. Битта бойламнинг жароҳатланиши 22 та беморда (34,4%), икки ва ундан ортиқ



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI

1-TOM, 4-SON. 2025

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

бойламлар жароҳати 42 та беморда (65,6%) кузатилди. Кузатилган 64 беморда умумий 131 бойламалар жароҳатланиши аниқланди. Бойламлар жароҳатланишлари учраш частотаси ва турига кўра гуруҳларга бўлинди: ташқи ён бойламлар, дельтасимон бойлам ва болдирлараро дистал синдесмоз (1-жадвал).

Жадвал 1.

Бойламлар жароҳатланишлари учраш частотаси ва турига кўра тақсимланиши

Бойлам узилиш даражаси	Бойламлар гуруҳи			Жами (%)
	Дистал синдесмоз бойлами	Ташқи ён бойламалар	Дельтасимон бойлам	
I тип	5	15	11	31 (23,7%)
II тип	10	17	9	36 (27,5%)
III тип	38	19	7	64 (48,8%)
Жами	53 (40,5%)	51 (38,9%)	27 (20,6%)	131

Жадвалдан қурииб турибдики ошқаболдир бўғими бойламларининг жароҳатларидан, дистал синдесмоз бойламининг жароҳатланиши (40,5%), ташқи ён бойламлар жароҳати (38,9%) ва камроқ (20,6%) дельтасимон бойлам жароҳатланиши аниқланади.

Дистал синдесмоз бойламлари жароҳатини аниқ ўрганиш мақсадида, қўшимча йўналишларда: олдинги ва орқа горизонтал қия йўналишларда текширилди. Натижада 48 ҳолатда (36,6%) олдинги болдирлараро бойлам тўлиқ узилиши аниқланди (1-расм).



Расм 1. Бемор А., 28 ёш ошқаболдир бўғимининг эхограммаси. Олдинги йўналишда текширилган. Олдинги болдирлараро бойламнинг тўлиқ узилиши, болдирлараро синдесмоз ажралиши (0,51 см)

Ташқи ён бойламлар жароҳатланиши, уларнинг анатомик жойлашувига ва тузилишига боғлиқ [8-10]. Ён бойламаларнинг жароҳатланиши (92%) ҳолларда бошқа бойламлар ва пайларнинг жароҳатланиши билан кечади.



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI JANUBIY OROLBO'YI TIBBIYOT JURNALI

1-TOM, 4-SON. 2025

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

Алохида жароҳатланиш фақатгина олдинги talo-fibularis бойламига хос бўлиб, 12 ҳолатда (23,6%) кузатилди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки бойламаларнинг қисман узилиши бўйламасига ва қийшиқ йўналишда, бойламаларнинг тўлиқ узилиши эса фақатгина кўндаланг йўналишда бўлди. Дельтасимон бойламалар жароҳатланиши 27 ҳолатда кузатилиб, асосан бойламаларнинг олдинги қисми (порцияси) зарарланиши аниқланди.

Хулоса. Хозирги кунда ультратовуш текшируви (УТТ) ривожланаётган йўналишлардан бири бўлиб, унинг оддийлиги, кенг тарқалганлиги, иқтисодий томондан арзонлиги эътирофга сазовордир. Ошиқ-болдир бўғимининг пай-бойлам аппарати жароҳатларини ультратовуш текширувида биз таклиф этган қўшимча йўналишларда амалга ошириш юқори информатив маълумот беради ва кўпгина ҳолларда МРТ нинг ўрнини босиш қобилятига ҳам эга бўлади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Алексеева О.Г. Ультразвуковое исследование суставов при ревматоидном артрите: патогенетическая обоснованность, возможности использования ... Научно-практическая ревматология. 2018;56(1):82–92.
2. Волков К.Ю. и др. Ультразвуковая диагностика в ревматологии: возможности и перспективы. РМЖ. 2020; 7:9-13.
3. Кривотулова И.А. и др. Возможности ультразвукового исследования в диагностике раннего ревматоидного ... // Современная ревматология. 2021. №2.
4. Макарова М.В., Вальков М.Ю. Сравнение диагностической точности магнитнорезонансной томографии... Research'n Practical Medicine Journal. 2018;5(1):10-19.
5. Мардиева Г.М. и др. Ультразвуковая верификация синовита у больных артрозом коленного сустава // Достижения науки и образования. 2020. №16 (70).
6. Сиротко О.В. Алгоритм ультразвуковой дифференциальной диагностики острого и хронического течения реактивного артрита. Вестник ВГМУ. 2016;15(5):71–78.
7. Ходжанов И.Ю., Гафуров Ф.А. Болдирлараро дистал синдесмоз бойламининг узилишида суякичи остеосинтезини куллаш тажрибаси. ReHealth Journal 2022. 132-135
8. Basu N. et al. Neurobiologic features of fibromyalgia are also present among rheumatoid arthritis patients. Arthritis Rheumatol. 2018 Jul;70(7): 1000-07. doi: 10.1002/art.40451. Epub 2018 May 11.
9. Coombes B.K. et al. Achilles and patellar tendinopathy display opposite changes in elastic properties: a shear wave elastography study. Scand J Med Sci Sports. 2018;28(3):1201–1208.
10. Gafurov F.A. et al. Current understanding of the treatment of patients with injuries of the intertrochanteric syndesmosis (literature review) World Bulletin of Public Health (WBPH) Available Online at: Volume-6, January 2022 ISSN: 2749-3644, 54-58.